



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 февраль, № 24 (8919)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
3 февраль куни аҳоли бандлигини
таъминлаш ва инвестицияларни жалб қилиш
бўйича амалга оширилаётган ишлар
юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бу борада декабрь ва январь ойларида ўтган йиғилишларда катта вазифалар белгиланган эди. Давлатимиз раҳбари “2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, дея таъкидлаганди.

Хусусан, бу йил 5 миллион 200 минг аҳолини банд қилиб, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш режалаштирилган.

Йиғилишда бу борада бошланган ишлар ва дастлабки натижалар ҳақида ахборот берилди.

Январь ойида 277 минг фуқаро ишли бўлган. Шундан 91 минг нафари доимий ишга жойлашган, 153 минг тадбиркорликка жалб қилинган.

Камбағалликни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Яқинда вазирлик ва ҳокимликлар мутахассисларидан иборат гуруҳлар

Хитойга бориб, тажриба алмашиб келди. Энди жойлардаги имкониятлар аҳолига тушунтирилиб, даромад топишга кўмаклашилади.

Иш ўринлари ва инвестиция ўзаро боғлиқ. Бу йил қарийб 14 миллиард долларлик 8 мингта лойиҳани амалга ошириб, 272 мингта доимий иш жойи яратиш режалаштирилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ўтган ойда юртимизга 3 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келган. Февраль ойида ҳам шунча инвестиция олиб келиш, 623 та лойиҳани ишга тушириш кўзда тутилган.

Йиғилишда лойиҳалар бўйича манзилли ишлаб, суръатни кескин ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йил бошидан буён экспорт ҳажми 1 миллиард 300 миллион долларга етган. Мутасаддиларга хорижий ҳамкорлар билан ишлаб, тадбиркорларга таъки бозорларга чиқишга кўмаклашиш, янги корхоналарни экспортга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қурулли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев
раҳбарлигида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш
масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирининг қўшинлар жанговар шайлиги ва қобилиятини ошириш, қисм ва бўлинмаларни ҳар томонлама тайёрлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Мудофаа саноати агентлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси ва амалга оширилаётган чоралар тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Мамлакат раҳбарияти томонидан армиянинг жанговар салоҳиятини ва шахсий таркибининг маънавий-руҳий ҳолатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани модернизация қилиш, шунингдек, мудофаа саноати корхоналарини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Жанговар ва тезкор тайёр-

гарлик тадбирларини жадаллаштириш, ҳарбий корхоналарнинг офицер кадрлари ва муҳандис-техник таркибини профессионал ўқитиш тизимини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари Қурулли Кучларни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди.

ЙЎЛЛАРДА ҚУЛАЙЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев йирик транспорт инфратузилмаси
лойиҳалари бўйича ҳисобот билан танишди.

Аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжидан келиб чиқиб, транспорт тармоғи изчил ривожлантириб боришмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ йўл ҳўжалиги соҳаси такомиллаштирилди, йўл қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш кўлами ошди.

Мазкур қарорда замонавий автомобиль йўллари ташкил этиш истиқболлари ҳам белгиланган. Жумладан, ўтган вақтда Жаҳон банки иштирокида Тошкент — Андижон муқобил йўли лойиҳа-

лаштирилди. Умумий узунлиги 314 километр бўлган бу тезюрар магистраль фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкентдан Андижонга етиб бориш вақти 5 соатдан 3 соатгача қисқаради. Шунингдек, бу яли ички маҳсулотни 2,6 фоизга ошириб, автоҳалокатларни 40 фоизга камайтириши мумкин.

Яқинда ушбу лойиҳа бўйича халқаро тендер эълон қилинди. Қисқа вақтда унга кўплаб нуфузли хорижий компаниялар қизиқиш билдирди.

Йиғилишда мазкур лойиҳа

бўйича таклифлар қўриб чиқилди. Транспорт вазирлигига юкламаси кўп бошқа йўлларда ҳам муқобил магистраллар қуриш, йўлларда қулайлик ва хавфсизликни кучайтириш, турли пуллик хизматларни ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарига Бирлашган Араб Амирликларининг “AD Ports Group” компанияси билан ҳамкорликда Навоий вилоятида “қуруқ порт” ташкил қилиш лойиҳаси тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Ў.А.

АССАМБЛЕЯНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА



Унда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилгани, Сенат Раиси бошчилигида унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтгани ҳамда махсус штаб фаолият бошлагани қайд этилди.

Мулоқот давомида хорижий делегацияларни қабул қилиш, жумладан, юртимиз туризм салоҳиятини кенг на-

Олий Мажлис Сенатида Парламентлараро Иттифоқ (ПИ)-нинг 150-юбилей ассамблеясини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича ташкилий масалалар юзасидан Парламентлараро Иттифоқ Котибияти вакиллари билан навбатдаги онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот

моийиш этиш ҳамда ассамблея доирасида ўтказиладиган қатор тадбирларни юқори савияда ўтатириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, Парламентлараро Иттифоқ Котибияти вакилларининг мамлакатимизга ташрифини ташкил этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Матбуот анжумани

КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ЖАМИЯТДА БАРҚАРОРЛИҚ, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Спикер ўринбосари Раҳимжон Ҳақимов концепция лойиҳасининг аҳамияти, уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан журналистларга батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб



чиқилган мазкур концепция ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси шу йилнинг 31 январь куни Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилиниб, 10 февралга қадар палата расмий веб-сайтида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.



КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 11 ФОИЗДАН 8,9 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Факт ва рақамлар

Ўзбекистонда 2024 йил якуни бўйича халқаро стандартлар асосида камбағаллик даражаси аниқланди.

Унга кўра ўтган йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизга камайди (3,3 млн. киши ёки 2023 йилдагига нисбатан 719 мингта камайган). Ушбу натижа Жаҳон банки билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланган.

Камбағаллик даражаси энг кучли пасайиш кўрсаткичи:

Бухоро вилоятида — 11,8 фоиздан 8,7 фоизгача;

Самарқанд вилоятида — 10,5 фоиздан 7,5 фоизгача;

Наманган вилоятида — 10,4 фоиздан 7,6 фоизгача;

Қорақалпоғистон Республикасида — 13,6 фоиздан 10,8 фоизгача қайд этилди.

Манба: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАЛАЙЗИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Малайзия Бош вазири Анвар
Иброҳимнинг таклифига биноан
4-5 февраль кунлари расмий ташриф
билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Куала-Лумпур шаҳрида Бош вазир Анвар Иброҳим билан икки томонлама музокаралар, Малайзиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар, қўшма бизнес форуми ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

Бўлажак олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Малайзия дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда амалий ҳамкорликни, шу жумладан, савдо, инвестициялар, инновациялар,

технологик кооперация, нефть-кимё, электроника, «яшил» энергетика, «акли» қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва бошқа кўплаб устувор йўналишларда кенгайтириш масалалари ўрин олган. Маданий-гуманитар аламинини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Етакчилар халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатларини ҳам кўриб чиқадилар.

Саммит якунида икки давлат ўртасидаги кенг қўламли шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот ва салмоқли битимлар тўплами қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф арафасида Малайзияда бир қатор муҳим тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, етакчи таҳлил марказлари ва тадқиқот тузилмаларининг учрашуви бўлиб ўтди. Яқин кунларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданий мероси тақдимотлари, икки мамлакат етакчи олий таълим муассасалари ректорлари форуми ва бошқа тадбирлари ўтказилади.

Ў.А.

Биз ва жаҳон



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф давомида икки давлат ўртасидаги кенг қўламли шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот ва салмоқли битимлар тўплами қабул қилиниши режалаштирилган.

Ўзаро
манфаатли
алоқалар

Малайзия бугунги кунда нафақат Жануби-Шарқий Осиёда, балки бутун жаҳонда жадал тараққий этиб бораётган давлат, Ўзбекистоннинг вақт синовларидан ўтган ишончли ҳамкори. 34 миллион нуфусга эга бу мамлакат халқаро майдонда иқтисодий тараққиётни ва илм-фан соҳасида эришаётган ютуқлари билан обрў-эътибор қозонмоқда.

Малайзия ҳукумати халқаро муносабатлар мустақиллик, суверенитет, ҳудудий ялпхлиқни ҳурмат қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, мустақкам ҳамкорлик ҳисобига қурилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу қарашлари прагматик ва очиқ таъки сиёсат юритаётган Ўзбекистоннинг позициясига мос келади. Ҳар икки мамлакатда миллий мустақиллик байрами бир санада — 31 август куни нишонланиши ҳам рамзий маънога эга. Ривожланиш ва модернизацияга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” “Малайзия Мадани” стратегик дастурларининг мақсад ва вазифалари ўхшаш. Малайзия билан алоқаларни сифат жиҳатдан янги бос-

қичга қўтариш Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Малайзия Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўтган йилнинг май ойида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг мамлакатимизга амалга оширган ташрифи ва сафар давомида нуфузли тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлардан иборат катта делегациянинг унга ҳамроҳлик қилиши фикримизни қўллаб-қувватлайди. Учрашувлар давомида сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, гуманитар ва таълим дастурларини амалга ошириш, туризм ва маданий алмашинуви фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Савдо-иқтисодий ва инвестиция йўналишларида амалий ҳамкорликка келишиб олинди. Ўтган йил якуни бўйича товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан зиёдга ўсди, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда, Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасидаги авиарейслар кўпаймоқда.



ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ



Ташриф доирасида ўтказилган Ўзбекистон — Малайзия бизнес форуми яқунлари инвестициявий шерикликини кенгайтиришга, инновациялар, саноат, “яшил” энергетика, нефть-кимё, электр техникаси ва электроника, фармацевтика ва бошқа соҳаларда етакчи компаниялар кооперациясига хизмат қилаётгани диққатга сазовор. Ушбу саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон — Малайзия саноат зонасини ташкил этишга келишиб олинди. Икки мамлакат ишбилармонларининг кенгаши тузилди.

Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам кишлоқ ҳўжалигида, жумладан, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини еттиштириш ва қайта ишлаш, “Ҳалол” стандартлари бўйича сертификатлаштириш масалалари доирасидаги ҳамкорликдан манфаатдор. Малайзия ахборот технологиялари, камбағаллиқни қисқартириш ва транспорт коммуникациялари бобида катта тажрибага эга бўлиб, Ўзбекистон бу борада ҳам шериклиқни кенгайтиришга интилади. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, энергетика, ислом молияси, экология, сунъий интеллект, туризм бўйича ҳамкорлиқни кучайтириш, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий-амалий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам муҳим.

Исломий молия — истиқболли йўналиш

2025 йилдан Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)га раислик қила бошлаган Малайзия халқаро муносабатлар ва жаҳон иқтисодиётининг ўзарувчан табиатида Евроосиё билан алоқаларини мустаҳкамлашда Марказий

Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг муҳимлигини таъкидлайди. Малайзия ҳалол озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиси сифатида Марказий Осиё бозоридаги иштирокчини кенгайтиришга интилмоқда. Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркорлари учун ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Малайзия технологиясини қўллаш фойдали бўлади.

Таъкидлаш керакики, Малайзия иқтисодиётида ташқи савдо муҳим роль ўйнайди. Асосий экспорт маҳсулотлари — электрон ускуналар, пальма ёғи, нефть ва суюлтирилган газ, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, каучук, тўқимачилик. Импорт, асосан, электрон бутловчи қисмлар, машина ва ускуналар, пластмассалар, транспорт воситалари, пўлат, кимё маҳсулотларидан иборат. Экспорт бўйича асосий савдо ҳамкорлари Сингапур, Хитой, АҚШ, Япония, Таиланд, Гон-конг, импорт бўйича — Хитой, Сингапур, АҚШ, Япония, Таиланд, Жанубий Корея, Индонезия.

Расмий Куала-Лумпур улкан молиявий салоҳиятга эга ва Глобал молия марказлари индексига кўра дунёда 22-ўринни эгаллайди. Ҳозир Малайзияда 27 та тижорат банки, 16 та ислом банки, 15 та инвестиция банки фаолият юритмоқда. Айни пайтда дунёдаги энг йирик исломий молия маркази ҳисобланади. Жами ислом банклари активлари 170 миллиард долларни ташкил этади. Бу — мамлакат жами банк активларининг 25 фоизи ва дунёдаги ислом банклари активлари умумий ҳаҷмининг 10 фоиздан ортиғи, демакдир.

Исломий молия Марказий Осиёдаги ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланадиган истиқболли соҳадир. Марказий Осиё молиячилари Малайзия-

нинг глобал миқёсдаги ислом банки ва молиясидаги етакчилигини юксак ҳурмат қилади. Шунга кўра, мамлакатнинг исломий молия бўйича илгор тажрибаси Марказий Осиё давлатларига ўзларининг исломий банк индустрияларини яратишга ёрдам бериши мумкин.

Малайзия Жануби-Шарқий Осиёдаги асосий АКТ иштирокчиларидан бири сифатида технологик имкониятларни ривожлантиришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш учун яхши позицияга эга. Шу боис рақамли инфратузилма, киберхавфсизлик ва инновацияларга эътибор қаратган ҳолда АКТ соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласи Куала-Лумпурдаги музокараларда муҳокама этилади.

тоғи, “Шарқ дурдонаси” Пенанг ва Реданг табиий курортдир. Малайзия халқлар ўртасидаги муносабатлар ва маданиятлараро алмашинувни ривожлантириш мақсадида Марказий Осиёда туризм алоқаларини мустаҳкамлашдан манфаатдор. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз туризм салоҳиятини янада ошириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш борасида инновацион, инвестициявий ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишга туртки бўлади. Айниқса, Малайзиянинг мамлакатимиз зиёрат туризмига қизиқиш билдираётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Академик уюшмалар, талабалар ҳамда ёш олимлар, профессор-ўқитув-



қутилади. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда Тошкент ва Урганч шаҳарларида Малайзиянинг “Бинари” университети муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Яна бир эътирофли жиҳат. АСЕАН таъсисчи аъзоларидан бири сифатида Малайзия Марказий Осиё учун Жануби-Шарқий Осиё билан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Малайзия ўз минтақасидаги йирик давлатларнинг геостратегик рақобатида кўп қиррали ташқи сиёсат юритиб, қулар мувозанатини сақлашда муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, дунёда ўз субъективлигини ошираётган минтақа ва Ўзбекистон учун Малайзия ишончли ҳамда муҳим ҳамкор бўла олади.

Мамлакат илмий-техникавий соҳада глобал масалалардан бири сифатида “яшил” технологияларни ривожлантириш, қайта тикланадиган ва энергиянинг янги манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон ҳам иқтисодиётнинг “яшил” энергетикани инновацион ривожлантириш моделига катта қадамлар билан ўтмоқда. 2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Бу борада ҳам ўхшаш жиҳатларимиз бор. Демак, музокара-ларнинг асосий мазвурларидан бўлган савдо, инвестициялар, инновациялар, технологик кооперация, нефть-кимё, электроника, “яшил” энергетика, “ақлли” кишлоқ ҳўжалиги, туризм, исломий молия, юксак технологиялар ва таълим соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши Жануби-Шарқий Осиё билан ҳамкорликда янги уфқларни очди.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

Тадбир

«БИЗ ҲАЁТНИ ТАНЛАЙМИЗ!»



Гийҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятчилик нафақат миллий, балки минтақавий ва ҳатто глобал миқёсда хавфсизлик ҳамда барқарорликка жиддий таҳдид солади. Айниқса, бу иллатнинг ёлғиз ўртасида тарқалиши келажақ учун ҳам катта хавфдир.

Анъанага мувофиқ, шу йилнинг 1 февралидан 1 мартга қадар юрти-мизда “Ёшлар орасида гийҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш комплекс тезкор-профилактик ойлиги” ўтказилиши белгиланди.

Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Ички ишлар вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида ушбу тадбирнинг аҳамияти ҳамда уни юқори савияда ўтказиш масалалари бўйича батафсил маълумот берилди.

Жумладан, ойлик доирасида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманлари ёшлар орасида “Биз ҳаётни танлаймиз!” шиори остида кўнгилочар тадбирлар (марафон, челленж, тасвирий санъат, театрлаштирилган сахна, кувноқлар ва зукколар мусобақаси), спорт беллашувлари, ижодий кўрик-танловлар уюштириш, жамоат жойлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш назарда тутилган.

Бунда ёшлар ўртасида оммабоп ҳисобланган, уларни оғоҳликка чақирувчи видеоролик ҳамда қисқа метражли фильмларни тайёрлаш ва уларни ижтимоий тармоқларда жойлаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Манзур МАТРАСУЛОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Спорт

ШАХМАТ: НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ «ТАТА STEEL CHESS» ТУРНИРИ СОВРИНДОРИ

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шахри мезбонлик қилган шахмат бўйича анъанавий “Tata Steel Chess – 2025” мусобақаси яқунланди.

Сўнгги 13-турда “Мастерс” гуруҳида 3-ўринни эгаллаб турган ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов оқ донларда хиндистонлик Пентала Хариқришнага қарши баҳс олиб борди ва дуранг натижа билан кифояланди. Агар Нодирбек ушбу партияда ғалаба қозонганида чемпионлик “тай-брек” учрашувларида ўйнаш имкониятини қўлга киритарди.

Бунга амалдаги жаҳон чемпиони Гукеш Доммараджунинг 13-турда оқ донларда ўйнашига қарамай, ватандоши Аржун Эргасига имкониятни бой бергани сабаб бўлди. Иккинчи ўриндаги Рамешбабу Праг-

нанандҳа ҳам сўнгги турда германиялик Винсент Кеймерга ютқазиб қўйди. Нодирбек Абдусатторов эса асосий рақиблири тақдим этган бу имкониятдан унумли фойдалана олмади.

Агар ҳамюртимиз ўз партиясида ғалаба қозонганида уч гроссмейстер иштирокидаги “тай-брек” партияларига ғубоҳ бўлардиқ. Саққиз яримтадан очко жамгарган Г. Доммараджу ва Р. Прагнанандҳа ўртасидаги “тай-брек” эса 2:1 ҳисобида яқунланиб, Рамешбабу турнир чемпиониға айланди. Амалдаги жа-



ҳон чемпиони 2-ўринни банд этган бўлса, Нодирбек Абдусатторов совринли 3-погонадан жой олди.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗНИНГ ПАРИЖДАГИ ТАНТАНАСИ



Францияда дзюдо бўйича ўтказилган йилнинг илк нуфузли мусобақаси — “Катта дубулга” турнири давомида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан 2024 йилнинг энг кучлилари эълон қилинди.

Париж шахриға ййигилган дунё дзюдо-чилири, федерациялар, мураббийлар иштирокидаги тақдирлаш жараёнида Ўзбекистон алоҳида эътироф этилди. Жумладан, дзюдо бўйича “Париж — 2024” олтин медални соҳиббаси Диёра Келдиёрованинг Олимпиадада япониялик Ута Абе устидан қозонган ғалабаси “Йил воқелиги”, Ўзбекистон терма жамоасида дзюга хос натижаларни қайд этган германиялик мураббий Марко Шпиттқа

“Аёллар терма жамоаларининг энг яхши мураббийи” номинацияларида ғолиб деб топилди.

Ушбу маросимда чиқиш қилган Д. Келдиёрова ва мураббий М. Шпиттқа юртимизда маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, дзюдонинг кенг оммалаштиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида тўхталиб ўтди.

«Халқ сўзи».
РЕКЛАМА

Диққат, аукцион ўтказилади

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги Ивлев кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 966 квадрат метр ва бино майдони 252 квадрат метр бўлган Эрон Ислом Республикаси ҳукуматиға тегишли тураржой участкасида иборат объектни аукционда иштирок этиш анкетасида баён қилинган 21 банддан иборат шартлар, қоидалар ҳамда мезонлар асосида аукцион орқали сотувға қўйди.

Аукционда иштирок этишға талабгорлар 2025 йил 26 январь — 16 февраль кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача элчихонаға мурожаат қилиб, аукционда қатнашиш анкетаси ва аукционға оид махсус конвертлни ҳамда аукционға қўйилган объектнинг бошланғич нархи тўғрисидаги маълумотни олишлари мумкин.

Аукционда иштирок этиш учун паспорт нусхаси ҳамда аукционда қатнашиш анкетасининг тўлдирилган шаклини тақдим қилиш лозим.

Аукцион конвертлари 2025 йил

17 февраль кунни соат 17:00 да элчихона биносига аукцион иштирокчилари ҳузурда очилади.

Ушбу аукционда қатнашиш иштирокчи учун ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Сотувчи аукционнинг ҳар қандай босқичида унинг натижаларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқиға эға.

Батафсил маълумот олиш учун элчихонанинг қуйидаги телефон рақамлари билан боғланиш мумкин: 78-150-60-50, 78-150-60-65.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Иордания Савдо-саноат палатаси билан шериклик

Шу йилнинг 1 — 3 февраль кунлари Ташқи ишлар вазири Б. Саидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Иорданиянинг Аммон шаҳрида бўлди.

Хабар берилишича, мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Д. Расулов Иордания Савдо-саноат палатаси биринчи вице-президенти Жамал Ал-Рифаи билан учрашди.

Мулоқот давомида икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, бизнес ташрифлар ва қўшма тадбирлар ташкил этиш, саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув яқунлари бўйича икки мамлакат Савдо-саноат палатаси ўртасида илк бор англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳамкорлик икки мамлакат тадбиркорлари учун янги имкониятлар эшигини очиб, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ўрнатишға хизмат қилади.

Тўсиқсиз муҳит яратувчи намунавий кўчалар

Қашқадарё кўчалари, ташкилот ва муассасалар ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиш учун мослаштирилмоқда.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хабарига кўра, йилнинг ҳар бир туманида биттадан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича намунавий кўча ташкил этилиши режалаштирилди.

«Қуёшли хонадон»: 6 ойда 28 млн. сўм фойда

Қўштепа туманининг “Шаҳартёпа” маҳалла фуқаролар ййигини ҳудудидаги Озодлик кўчасида яшовчи Нурматжон Абдуллаев ўз яшаш хонадонига 50 кВт қувватға эға қуёш панелларини ўрнатди. Натижада у нафақат электр энергия ҳаражатларини қисқартирди, балки ортиқча қувватни давлатға сотиб, қўшимча даромад ҳам топаётир.

— Дастлаб синов тариқасида 10 кВт қувватли қуёш панелини ўрнатдик, — дейди Н. Абдуллаев. — Мутахассислар қурилмаларини ўрнатиб бўлғач, уларнинг ишлашини ва ишлаб чиқарилаётган электр энергияси миқдорини тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш жараёнини тушунириб беришди. “Қуёшли хонадон” дастуриға уланғач эса бир ойда ҳаражатни қоплаш билан бирға 800 минг — 1 миллион сўм даромад ола бошладик. Кейинчалик 50 киловаттлик қуёш панелларини ўрнатиб, 6 ойда 28 миллион сўмдан ортиқ фойда олдик.



Навбатдаги гидроэнергетик қувват ишға туширилди

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Ҳисорак” сув омбори қошида янгидан барпо этилган Ҳисорак кичик ГЭСнинг расмий очилиш маросимиға бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖДан хабар беришларича, туман иқтисодий-ижтимоий ривожи ҳамда маҳаллий аҳоли фаровонлиги учун хизмат қиладиган Ҳисорак кичик ГЭСнинг энергетик қуввати 3,5 МВтға тенг бўлиб, йилға ўртача 17,5 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Унинг қурилиши тўлиқ маҳаллийлаштириш доирасида жамият томонидан амалға оширилди. Янги қувватнинг лойиҳавий қиймати 1,5 млн. долларға тенг бўлиб, бу ерда олтиға иш ўрни очилди. ГЭС фаолияти йилға ўртача 5 млн. куб метр табиий газ иқтисод қилинишиға, қолаверса, у томонидан ишлаб чиқарилган электр энергия 7 300 та хонадонни ёритишға имконият яратад.



«Халқ сўзи».

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Алишер Навоий табиилар олдига қўйган иккинчи талаб *“Беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиш лозимлиги”*дир. Бу ерда муаллиф табииликнинг бошқа ҳамма касбдан ажралиб турувчи асосий сифати *“инсонлар-варлик ҳақида сўз юратди. Яъни мабод-манфаат етказишга имкон бўлмаса, яхши сўз айтишни одат қилиш зарур ва бу катта иш ҳисобланади. Кишлар табииларга Уларнингнинг эр бебаҳо бойлиги *–* ҳаётини ишониб топ-шир экан, демек, улар ҳам масъулятини ҳис этиб, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиш, уларнинг ҳаёти ва саломат-лиги ҳақида қайғуриши шарт. Ҳозик табии-хушғўй тан ранжига шифодур, Омийю тунду-бадҳўй эл жонига балодур”*